



# ТОШКЕНТ



# ОҚШОМ

ШАҲАР  
ИЖТИМОЙ-  
СИЁСИЙ  
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 129 (9.473) 2000 йил 30 октябрь, душанба

Сотувда эркин нархда

Тошкент шаҳар ҳокимлигида пойтахт иқтисодий ривожланишининг тўққиз ойлик сарҳисобига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тулаганов олиб борди. Йиғилиш кун тартибидagi асосий масала — «Тошкент шаҳрининг 2000 йил январь-сентябрь ойларида ижтимоий-иқтисодий ривожланиши яқунлари ва иқтисодий ислохотларнинг бориши ҳақида» Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Нодир Хонов маъруза қилди.

## БОШ МАҚСАД — ПИРОВАРДА НАТИЖА

Пойтахтда, республикадаги каби, асосий эътибор тармоқлардаги иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, молиявий аҳволни яхшилаш, пойтахтнинг экспорт потенциалини ошириш ҳамда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилаётгани ва 9 ой якунлари бўйича шаҳарда макротиқтисодий барқарорликка эришилгани таъкидлаб ўтилди.

Масалан, январь-сентябрь ойлари ичида ялпи ички маҳсулот 300005,9 миллион сўмни ташкил қилди. Ўтган йилнинг шу даврига солиштирилганда давлат бюджетига тушган даромад 28,3 фоизга кўпайиб, 163804,0 миллион сўмга етди ва белгиланган истиқболдаги кўрсаткичдан 6242,8 миллион сўмга ортиқ бўлди. Қўзда тутилган даромадларнинг бюджетга тўлиқ келиши тушиши натижасида муҳим ижтимоий масалаларни вақтида бажариш имконини бўлди. 9 ой давомида 24 минг ҳам таъминланган оилаларга 213,2 миллион сўм нафақа тўланди.

Жорий даврда саноатда ўсish 107,9 фоизга, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш эса 112,6 фоизга тенг бўлди.

Тўққиз ой ичида бир қатор ижтимоий соҳа иншоотлари фойдаланишга топширилди, қурувчилар томонидан 261,1 минг квадрат метр уй-жой, 2 академик лицей ва 3 касб-хунар коллежи қурилди, 25,3 километр водопровод, 20,6 километр канализация, 22,8 километр газ қурувлари ўтказилди. Шу давр ичида йирик иншоотлардан — Аҳмад Донийш кўчасидаги кўприк, «Ўзқўрғазма-савдомарказ», «Визо» қўшма корхонасининг бинолари топширилди.

Иқтисодиётни арқилантириш ва ислохотларни янада чуқурлаштириш натижасида эришилган тўққиз ойлик ютуқлар ҳамма соҳаларда ислохотлар изчил олиб бориладиган ҳолатга эришилди, дея таъкидлади маърузачи. Масалан, бугунги кунда пойтахтнинг ўзида 6910 қардор корхоналар мавжуд бўлиб, улар жами юридик шахсларнинг 27,4 фоизини ташкил қилади. 8 ой якунлари бўйича 71 корхона 12,9 миллион сўм зарар кўриб ишлаган. Бу корхоналар орасида 19 саноат, 27 савдо ва афсуски, 23 қўшма корхоналар ҳам бор. Фақат Юнусобод туманидаги 12 корхонанинг зарари 8,3 миллиард сўмни ташкил қилади. Шу билан бирга, ҳисоб-китобларни вақтида бажариш бўйича тегишли чора-тадбирлар қўрилмаганиги оқибатида жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига 48 корхонанинг 0,8 миллиард сўмлик муддати ўтган дебитор қарзи аниқланди. Бу қўрсаткич ярим йиллик якунларига нисбатан 33,3 фоиз кўтирди. Муздати ўтган кредитор қарзлар 10,3 миллиард сўмни ташкил қилиб, улар 80 корхонага тегишли.

Айтиб ўтиш жоизки, бундай аҳвол корхоналарни ночорликка, синишга ҳам олиб келмоқда. Фақат шу йилнинг 8 ойида 599 корхона банкрот деб эълон қилинди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатининг пастлиги ва уни сотиш бўйича шартномаларнинг ўз вақтида тузилмаслиги оқибатида оғир ҳолатда тайёр маҳсулотлар қолдиқлари сезиларли даражада кўпайиб боришига олиб келмоқда. Корхоналар оғир ҳолатида мейвандан ортиқ йиғилиб қолган маҳсулотлар ҳамми 1353,5 миллион сўмни ташкил қилади.

Маърузачи пойтахтда олиб борилаётган ислохотларга таҳлилий ёндашиб, бу йўналишда ижобий ютуқлар билан бирга, бир қанча муаммо ва камчиликлар борлигига ҳам йиғилиш қатнашчи эътиборини қаратди.

Бугунги кунда нодовлат корхоналарнинг ҳиссасига саноат маҳсулотининг 87,1 фоизи, маҳсулот айирбоқлашининг 94,5 фоизи, пулни хизмат кўрсатиш ҳажмининг 66,8 фоизи ва лудрат ишларининг 80 фоизи тўғри келади. Чет эл инвестицияларини жалб этиш мақсадида жорий даврда бир қанча қўшма корхоналар ташкил этилиб, улардан «ЎЗСматана», «Бета-Алгоритм», «Нью-Стил» айниқса самарали фаолият кўрсатмоқда. Умуман шу кунга қадар пойтахтда 2177 корхоналар чет эл инвестициялари билан ишламоқда.

Лекин хусусийлаштиришни катта имтиёзларидан фойдаланиш ўрнига, уларга панд бериб, ночор аҳволда ишлаётган корхоналар ҳам етарлича. Хали кўп корхоналарда акцияларни сотиш жараёни, тўғрироқ уларнинг тақсимланиши сўст олиб боришмоқда. Бундай вазият айниқса, Акмал Икромов, Бектемир, Собир Раҳимов, Яқсарой туманларидаги корхоналарга тегишли бўлиб, уларда атиги 7-14 фоиз акциялар сотилгани аниқлангани тўғрисида Давлат мўлк кўмитаси шаҳар бошқармаси бошлиғи Равайн Пўлатов гапирди. Шу билан бирга, акциядорлик жамиятлари кузатиш кенгашилари афсуски ҳали ҳам номинатив мавжудлиги, уларнинг раҳбарлари фақат кузатишни бўлиб қолаётгани ва бундай расмиётчиликлар туман ҳокимликлари назаридан четда эканлиги ҳам йиғилишда сўзга чиққанлар томонидан айтиб ўтилди.

Йиғилишда иқтисодиётнинг устувор йўналишларидан асосий ҳисобланган кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши ҳам таҳлил этилиб, Тошкент шаҳар давлат солиқ бош бошқармаси бошлиғи Аббос Латипов, адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари Акмал Иномбоев ва бошқалар бу соҳада ҳам хали камчиликлар борлиги, уларни бартараф этиш йўлида тегишли ташкилотлар хали кўп ишлар қилиниши кераклиги ва ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш суръатларини жадаллаштириш ҳақида тўхталди.

Шу йилнинг 1 октябрга қадар 28131 кичик ва ўрта бизнес корхоналари рўйхатга олинди, уларда 118,6 минг киши иш билан таъминланган, бу эса ишда банд бўлган аҳолининг 18 фоизини ташкил қилади. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ялпи ишлаб чиқаришидаги улуши ҳозирда 25,1 фоизни ташкил қилади. Айтиб ўтиш жоизки, йилнинг охирига қадар қўзда тутилганга нисбатан юридик шахс сифатидаги кичик ва ўрта бизнес корхоналар сонининг 9 ойлик кўрсаткичи 70 фоизни ташкил қилди — бу кўрсаткич қўланган режадан анча паст. Айтиб ўтиш жоизки, хусусий тадбиркорликда бу рақамлар анча банд — ҳисобот даврида 31,6 мингдан ортиқ кишига патент берилган.

Кичик ва ўрта бизнесдаги тадбиркорларга фойдаланиш ри- вожлантириш учун бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига 577,9 миллион сўм, тижорат банклари ҳисобидан — 13,3 миллиард сўм, чет эл кредит тизимлари ҳисобига — 4,5 миллион АҚШ доллари қўйиматига тенг 6 лойиҳа ва 33,9 миллион немис мар- касига тенг 9 лойиҳаларга кредит ажратилган. Бу рақамлар нуфузли кўрсаткич, аммо умуман олганда 60 мингта янги юри- дик шахслар ҳамда хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаёт- ганларга ажратилган кредит миқдори ниҳоятда кам. Умуман олганда, кичик ва ўрта бизнесдаги муаммолар фақат кредит масаласида эмас, балки ишлаб чиқарилган маҳсулотларни эк- спорт қилиш, ҳам ашё ва бутловчи материаллар билан таъмин- лаш каби масалалар мавжудлиги, бунда туман ҳокимликлари ҳам ўз фаолликларини кучайтиришлари кераклиги алоҳида та- кидлаб ўтилди.

Йиғилишда пойтахтнинг қурилиш мажмуасидаги ютуқ ва кам- чиликлар тўғрисида сўз юритилиб, бу соҳада ҳам ислохотлар хали чуқур олиб борилмаётгани уқтирилди.


Пойтахтнинг тўққиз ойлик ривожланиш сарҳисобида комму- нал хўжалиги алоҳида ўрин тутди. Йиғилишда бу соҳада олиб борилаётган изчил ислохотлар устида атрофлича аҳборот тинг- ланиб, улар асосан бу тизимдаги корхоналарни хусусийлашти- ришга қаратилаётгани, айниқса, уй-жой хўжалигида бугунги кун- да ижобий деб топилган ширкатлар ҳақида тўхталиб ўтилди. Худудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси бош директори Вик- тор Дорохов бу ижобий ишларда шоҳалоклик ва расмиётчи- ликка йўл қўйиб бўлмаглигини таъкидлаб ўтди.

Шу оғирин бошига қадар коммунал хизматлар бўйича аҳоли- нинг қарзлари 3536,2 миллион сўмни ташкил қилди, лекин бу вазиятнинг олдини олишда фақат бир томонлама — яъни исте- мольчининг айблаб, таҳлил қилиш мақсадида муроғиб бўлмайди. Махлисида коммунал соҳасидаги шу каби камчиликлар устида тўхталди, Тошкент шаҳри мисолида янги концепция — фақат хусусийлаштиришни аниқ жоиз, қолганде ислохот қилиш маф- курасини ишлаб чиқиш зарур, деган тақлифлар янгради.

Шу билан бирга бу тизимга тегишли яна бир долзарб масала — киши мавсумга тайёргарлигининг бориши тўғрисида ҳам му- тасадди идора раҳбари аҳборот бериб, бу йўналишдаги барча ишлар режа бўйича амалга оширилиб, 25 ноябрга қадар кузги- киши мавсумга тайёргарлик тўла бажарилгани таъкидланди.

Пойтахтнинг тўққиз ойлик якунларига бағишланган йиғилиш сўнгида барча кўриб чиқилган масалалар бўйича тегишли қарор- лар қабул қилиниб, шу билан бирга, жорий йилнинг туртинчи чорагида барча масалаларда ҳамжиҳатлик билан иш олиб бо- риш кераклиги, ҳар бир раҳбар ўз олдига турган катта масъу- лиятни ҳис эга билиши, ўз ўрнида акциядорлар ҳисобламани иши ва хизматчилар ҳам ўз ҳуқуқлари асосида мажбуриятларини ҳам бажо этишлари ва корхоналарда юзага келаётган камчиликларни ҳам таъминлашда фаол иштирок этишларига эришиш стра- тегик чораларини ҳам белгилаб олиш шарт эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси аҳборот-таҳлил бошқармаси раҳбари Галина Саидова сўзга чиқди.



26-қурилиш бошқармасининг монтажчиси Алишер Ҳусанжоев ўз касбига ихлос қўйганлардан биридир. Тоҳир Нигматуллин олган сурат.

## ПОЙТАХТИМИЗНИНГ БИР КУНИ

Иқтисодиёт • Ижтимоий соҳа • Маданият

### Алоқалар

## МАҲАЛЛАЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Азал-азалдан халқимиз ён қўшимиз қозоқлар билан ўзаро аҳил, дўст ва биродар бўлиб яшаб келган. Чунки бу икки халқ бир-бирига жондош, қондош, дини, урф-одати, қадриятлари, мақсади ва маслағи бир бўлган қардошлардир. Шу боис ҳам истиқлол туфайли ўзаро ҳамкор-лик ришталари янада кучайиб, янги-ча мазмун касб этгани бежиз эмас. Ушбу биродарлик самарасини биз айниқса гўзал шахримиз Тошкентнинг Қозғоғишнинг жанабиди Чимкент шаҳри билан ҳар бир соҳада қилаётган ҳамкор-лиги замирида қўришимиз мумкин.

Ўтган кун икки биро- дар шаҳар Тошкент ва Чимкентнинг ўзаро дўстлик ришталари билан қамбарчас болган ҳамкорлиги янги босқич- га кўтарилди. Яъни пой- тахтимизга Чимкент шаҳар «Спортивний» ўзини-ўзи бошқариш кўмитасининг бир гуруҳ вакиллари та- шриф буюриб, «Чигатои» октебраси, «Астрообод», «Бодомзор», «Қулқўрғон» номи маҳаллаларда бўлиши, оқибатда гузарлар- нинг, чойхоналарни томоша қилиши. Айниқса, истиқ- пол туфайли бунёд этил- ган ёдгорликлар, хусусан Темирўрлик тарихи Дав- лат музейи ҳамда қиебо- ни, Соёлиғоҳ кўчаси, Му- стақиллик ва Хотира мей- данлари, Ўзбекистон Мил- лий боғи, Юнусободдаги «Шаҳидлар хотираси» ёд- горлик мажмуаси мөҳмон- ларда яхши таассурот қолдирди.

Шунингдек, Республика «Маҳалла» хайрия жам- гармасининг Тошкент ша- ҳар бўлими билан ўзаро иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида Чимкент шаҳар «Спортив- ний» ўзини-ўзи бошқариш кўмитаси вакиллари ўр- тасида ўтказилган амалий семинар-мулоқот ҳар икки томон учун жуда фойда- ли бўлди. Ушбу семинар-мулоқот- да шахримиз туманлари- нинг оқсоқоллар кенгаши раисларидан ташқари Тошкент шаҳар ҳокимли- гинан ва шаҳар Солиқ бошқармасидан вакиллар ҳам иштирок этишди. Бу ўзига хос нуфузли анжуманининг аҳомияти шунда бўлиши, ҳар икки томон вакиллари бир- бирларининг иш тажриба- ларини ўрганишига кели- шиб олдлар. Акбар Йўлдошев.

## ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда Япониянинг «Мицуби» корпорацияси катта маслаҳатчиси, Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Япония — Ўзбекистон кўмитаси раиси Наохико Кумагаи раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юза- сидан фикр алмашилди.
- Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик кўмитаси, Ёшлар ишлари кўмитаси ҳамда Оила ва аёллар муаммолари комиссиясининг қўшма йиғилишида «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонуннинг Сирдарё, Навоий вилоятларида ижро этилиши масаласи муҳокама қилинди.
- Тошкент вилояти ҳокимлигида вилоятнинг 2000 йил 9 ойида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва иқтисодий ислохотларнинг боришига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.
- Республика Хотин-қизлар кўмитасида Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг йиғилиши бўлди.
- Тошкент вилояти Пскент тумани меҳнатқашла- ри давлатга пахта сотиш шартнома режасини вило- ятда биринчи бўлиб бажардилар.
- Нарпай тумани деҳқонлари Самарқанд вилоя- тда биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш шарт- нома режасини адо этдилар.
- «Тошкент трактор заводи» Давлат ҳиссасдорлик жамиятининг маданият саройида тракторсозлар «Ўзбекистон — умумий уйимиз, уни ўзимиз қўриқ- лаймиз» мавзусида йиғилиш ўтказишди.
- Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Япония — Ўзбекистон делегация- си аъзолари Наманган вилоятига ташриф буюриш- ди.
- Бугун пойтахтнинг «Дийдор» галереясида Ис- роил элчихонаси томонидан ташкил этилган «Қуш- лар — чегара билмайди» деб номланган суратлар кўрғазмаси очилди.

• Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетиде Ўзбекистон Республика- си Ташқи ишлар вазири- ги, «Экосан» халқаро жам- гармаси, Латвия Республи- касининг мамлакатимизда- ги элчихонаси кўмагида «Экология ва дипломатия» мавзусида халқаро анжуман ўтказилди.

• Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат на- шриёти «Инсон ва жамият» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

• Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси на- шриёти Ориф Усмонов ва Абдумажид Мадрохимов- нинг «Қамолдин Бехзод» рисоласини нашр этди.

• Эртага Кинчиоҳар уйдада Ўзбекистон халқ ар- тистлари Шукур Бурхонов, Олим Ҳўжаев ва Соиб Ҳўжаевларнинг 90 йиллигига бағишланган хотира кечаси ўтказилади.

• Ҳинд маданият марказида кўчонлик расом Раҳ- монжон Мирзаевнинг кўрғазмаси очилди.

### ЖАҲОНДА

• Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Батуми худудида халокатга учраган Россия ҳарбий самолётининг қутқарув ишлари олиб бори- лаётган пайтда яқиндан ёрдам кўрсатган Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзега миннатдорчи- лик билдирди.

• Кеча Россия Федерацияси Президенти Вла- димир Путин Парижга келди. Бугун бу ерда Россия — Европа Иттифоқи бешинчи саммити очилди.

• Кеча Қирғизистонда президентлик сайлови бўлиб ўтди. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра рес- публиканинг ҳозирги бош раҳбари Асқар Каев энг кўп овоз тўплаб, ишончли пешқадамлик қилмоқда.

• Покистонда собиқ Бош вазир Беназир Бхутто ҳамда унинг турмушу ўртоғи Асиф Али Зардари- нинг бойлиги ҳақида янги маълумот эълон қилинди. Уларнинг бойлиги айти пайтда 1,5 миллиард АҚШ долларига тенг экан.

• Кеча Беларусда иккинчи босқич парламент сай- ловлари ўтказилди.

• Кеча дан бошлаб Россия худудида киши соат жорий этилди.

• Кеча Американинг «Коул» эсминец кемаси Адан портини тарк этди. Кема 12 октябр кунни портлаш оқибатида қаттиқ талофат қўрган эди.

• Эртага Буюк Британия пойтахтида анъанавий Лондон кинофестивали очилади.

• Германияда АДАС ташкилоти ўтаётган йил- нинг мамлакат бўйича энг машҳур спортчиси сифа- тиде Формула-1 пойғаларининг бетакор устаси Ми- хаил Шумахерни эътироф этди. Уни тақдирлаш ма- росими 25 ноябрь кунни Мюнхен шаҳрида бўлиб ўта- ди.

• Юнон-рум кураши бўйича Олимпиадада ўйинла- рида уч бор олтин, бир бор кумуш медалларни қўлга киритган россиялик Александр Карелин ўзининг со- врини учун ташкиллаштирилган IX халқаро турнир- нинг очилиш маросимида катта спорт билан хайр- лашинини маълум қилди.

• Шахмат бўйича жаҳон чемпиони Гарри Каспа- ров ва тож даъвоғари Владимир Крамник ўртаси- даги 10-партия 25 ёшли давъогарнинг галабаси бил- ан якунланди. Мана шу натижадан сўнг Крамник 6,5:4,5 ҳисобида олдинга чиқиб олди.

## МАЙДОНДА ЭСТРАДА ЮЛДУЗЛАРИ

Спорт ва санъат тинчлик элчиси. Спортга қизиқмайдиган киши кам то- пилса керак. Кунни кеча шахримиз- нинг Марказий «Пахтакор» стадиони ёшлар билан гавжум бўлди. Бу са- фар майдонда ҳақиқий футболчилар эмас, нафақат қўшқич, балки спортга ошурта қалблар — санъаткорлар ихрисида футбол шоу ўтказилди.

Орзиқиб қутулган ушбу учрашувда майдонда Ўзтеле- радиокорпорациянинг футбол ишқибозлари билан эстрада

### Санъат

юлдузлари қўшқич санъаткорлар футбол шоуида қатнашдилар. Уйин жуда қизгин ва кўтаринки руҳда ўтди. — Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзбекна- во», Ўзтеле радиокорпорациялари ҳамкорли- гини таъкидлаб айтиш жоизки, «Ўзбекнаво» га- лереясида бўлиб ўтган ушбу учрашувни ўткази- шда мақсад, — деди «Ўзбекнаво» га- лерея бошлиғи Нурмаҳмуд Мухаме- дов, — санъаткорларнинг нафақат қўшқич, балки спорт, футбол ишқибози эканли- кларини намойиш этиш, ёшларнинг спортга бўлган қизиқларини янада кучайтириш.

Чунки спорт ва санъатни севган кишилар фақат эзуликка интиладилар. Спортимиз ва санъатимиз бизни жаҳонга таъинмоқда. Биз бундай истеъдодли ёшларимиз билан фахрланамиз.

Қизгин футбол бешлашувда Ўзтеле- радиокорпорациянинг футбол ишқибозларидан Хамза Каримов, Радик Ҳамидуллин, Зафар Имомхўжаев, Алишер Мадрохимов, шунинг- дек эстрада юлдузлари ко- мандасидан эса таниқли санъ- аткорлар Қозим Қўюмов, Ра- вайн Собиров, Абдулла Қу- рбанов, Отабек Мадрохимовлар айниқса кў- ли зарбалари, кескин ҳаракатлари билан ажралиб турдилар. Уйин 5:3 ҳисобида яку- ланиб, Ўзтеле радиокорпорация ёшлари гала- баси билан тугади.

Футболшоу сўнгида Ўзбекистон Халқаро кураш ассоциацияси Президенти Комилжон Юсупов энг яхши ўйинчиларга эсдалик со- вгаларини топширди. Шундан сўнг майдон- да эстрададан юлдузлари ўз санъатларини намойиш этиб, йиғилганлар қалбига бир олам қувонч бахш этишди.

Дилором ИКРОМОВА.

## МУРОСАСИЗ БЕЛЛАШУВЛАР

Кеча футбол ишқибозлари қизиқар- ли учрашувларнинг гувоҳи бўлишди. Аввало, 17 кун да- вом этган XII Осиё чемпионати- ни ниҳонсига етди. Осиё чем- пионлиги учун бўлган қизгин курашда беллашган Саудия Арабистони ва Япония терма жамоалари ўртасидаги учра- шув японияликларнинг 1:0

ҳисобидаги галабаси билан туга- ди. Учинчи ўрин учун ўзаро ку- рашда Жанубий Корея терма жамоаси хитойликларни худди шундай 1:0 ҳисобида енгилди. Шунингдек, кеча ўтказилган Ўзбекистон миллий чемпионати- нинг XXXV тур ўйинларида пой- тахтимиз жамоалари «Трактор» ва «Пахтакор» куч синачиб, дуран — 1:1 натижага кўла қиритишди. Қолган учрашувларда қуйи-

даги натижалар қайд этилди. «Бухоро» — «Зарафшон» 4:2, «Қизилқум» — «Самарқанд-Ди- нам» 2:2, «Нефтчи» — «Те- мийрўлчи» 4:0, «Андижон» — «Навбахор» 4:2, «Насаф» — «Кимёгар» 4:2, «Сурхон» — «Дўстлик» 0:1, «Металлург» — «Семурғ» 0:0, «Хоразм» — «Гу- листон» 2:1, «Турон» — «Сўғди- ёна» 1:0. Акбар ЙЎЛЧИЕВ.

## ТОШКЕНТ ОҚШОМ

газетасига 2001 йил учун обуна давом этмоқда! Шаҳримиздаги барча алоқа бўлимларида «Оқшом»га обуна қабул қилинмоқда. Вақтин ганимат билиб газетанга обунани ўз вақтида расмийлаштириб қўйсангиз 2001 йилдан, XXI асрнинг биринчи кунидан бошлаб «Оқшом» хонадонингизга ўзи кириб бораверди. Нашр кўрсаткичлариниз шундай: Яқка обуначилар учун — 209 Ташкилотлар учун — 563

Ислохот одимлари

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Мамакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳаётимизнинг барча соҳалари — ижтимоий, сиёсий, маънавий ва табиийки, иқтисодиёт жабҳаларини ҳам қамраб олган. Йирик ва ўрта корхоналари давлат тасарруфидан чиқариш хусусийлаштириш, кичик ва хусусий тадбиркорлик инфратузилмасини шакллантириш, кўчмас мулк ва қимматли қўзғалар бозорини ривожлантириш хусусий секторнинг ўсиши, кўпукладли иқтисодиётни яратиб берди.

Йил охирида бормоқда, 9 ойлик иш натижалари якуни чиқариб бўлинган. Қувончлиси шундаки, Давлат мулк қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси бўйича кўпгина режалаштирилган курсаткилари урдаланган. Хусусийлаштириш борасида ҳам яхшигина курсаткиларга эришилган.

Фонд бозорининг ривожини турли акциядорлик жамиятлари акциялари сотилишини қўлайлаштириш имконини берди. Йил бошидан буён 62 АЖ қимматли қўзғаларини сотишдан 630 миллион сўм олинди. Шу жумладан, биржа савдолари орқали 533 миллион сўмлик акциялар сотилди. Бунда шунча тақдирлаш жоизки, ҳозирги вақтда 109 акциядорлик жамияти акциялар сотиш бўйича ўз заҳираларига эга. Улар акцияларининг қиммати ўнлаб миллиард сўм билан ўлчанади.

Албатта, Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш — чет эллик ҳамкорларга АЖ корхоналари ва акциялар пакетларини сотиш алоҳида аҳамиятга молик. «Дори-дармон» Тошкент шаҳар давлат акциядорлик бирлашмаси акцияларини «Сангавито ГМБХ» Германия компаниясига сотишдан ҳозирдаёқ 68 миллион сўмдан ортиқ маблағ олинди. Иккинчи автомобилларга ёқилги станциялари Швейцариянинг «Когбек» ва «Камол Набизова» (Афғонистон) шўба корхонаси ихтиёрига ўтди. Харид нарҳидан ташқари фирмалар тегишли равишда қўшимча 200 минг ва 170 минг АҚШ доллари ҳажмида инвестицион мажбуриятларни зиммаларига олинди.

Меҳмонхоналар мажмуи ҳам валютани жалб этиш ишига кўмаклашди. «Россия» меҳмонхонаси шаҳар ҳокимияти инвестициялар бош бошқармаси томонидан сотиб олиб бўлинди. «Турон» меҳмонхонаси барча акцияларнинг ярмини сотиш бўйича ишлаб чиқариётган лойиҳа муваффақиятли амалга оширилган тақдирда 326,575 минг АҚШ доллари миқдорига хорижий валютани ҳамда худди шунча миллий валютадаги маблағни келтириш мумкин. Бундай объектлар эса оз эмас. Тезик, хорижий шериклар билан ишлашнинг алоҳида тизими, пиширилган механизми юзага келгани кўриниб турибди.

Мулкдорлар синфини шакллантириш учун қўлай иқтисодий шарт-шароитлар яратилмоқда. Жумладан, кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш учун фақат сўнгги 9 ой мобайнидагина тижорат банклари, Бизнес фонд, бандликка кўмаклашувчи банк — яъни бюджетдан ташқари ташкилотларнинг ўз мулк заҳиралари ҳисобидан 13268 миллион сўмлик кредитлар ажратилди. 12 ахборот-маслаҳат марказлари турли масалаларда хизмат кўрсатиб келмоқдалар. Бизнес-инкубаторлар, Бозор кўчмақаларини ривожлантириш маркази ва бошқа ташкилотлар кичик ва ўрта бизнес соҳасида ишлашнинг энг нозик жиҳатларини ҳам пухта ўзлаштирган кадрларни тайёрлаш билан шуғулланишмоқда.

Пойтахтда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш борасида олиб борилаётган улкан ва изчил фаолият ижобий ўзгаришларга олиб келмоқда ва ўз самарасини бермоқда.

ДАЛИЛ ВА РАҚАМЛАР

- Шу йилнинг 1 октябрга қадар Тошкентда хорижий инвестицияга эга бўлган 2621 корхона рўйхатга олинган. Улардан 2163 таси юридик шахс сифатида ўз фаолиятини қўймоқда.
• Хорижий инвестициялар билан ҳозирда ишлаб турган 1249 корхондан 505 таси маҳсулот ишлаб чиқариши, 467 таси савдо-воситачилик хизмати билан шуғулланишмоқда.
• Пахта толасини қайта ишлаш (9), савдо ва умумий оқатлаш (467), транспорт ва металл ишлов бериш (14), қурилиш (59), транспорт хизмати ва алоқа (55), бошқалар (513) хорижий инвестициялари бўлган корхоналар фаолият доирасига кирди.
• Агар ўтган йили пойтахтнинг хорижий инвестицияга эга бўлган корхоналари томонидан 657444,2 минг АҚШ доллари тенг маҳсулот экспорт қилинган бўлса, шу йилнинг 9 ойи мобайнида 373073,6 минг АҚШ доллари тенг маҳсулот четга сотилган.
• «Чаглая», «Локколорсинтез», «Кумуш», «Спектр», «Тезинтом», «Турас», «Узсамсунг-электроник», «УзДЭУэлектроник», «Рута» каби қўшма корхоналар ўз маҳсулотларини мунтазам четга чиқариб келишмоқда.
• ТИА вазирлиги мутахассислари томонидан экспортни амалга оширишда дуч келинадиган қийинчиликлар моҳиятини аниқлаш мақсадида экспортчи корхоналар раҳбарларидан сўровлар ўтказилди.
• Сўров доирасида тушган таклифлар, жумладан, хом ашё сотиб олиш учун қаватлар бериш тартибини соддалаштириш, йўл жағварамасига тўловлар, валюта тушумидан мажбурий сотилинадиган қисми, шунингдек бошқона хизмат экспортга жўнаштириш чоғида юқини расмийлаштириш ставкаларини қайта кўриштириш, экспортга чиқариладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хом ашё, бутловчилар, материалларни олиб келишда ҚҚС бўйича қўшалоқ солиқларини мустасно этиш масалаларига тааллуқли эди. Шунингдек, инвестицион таклифларнинг ягона маълумотлар банкни яратиш, республика ташқарисида савдо уйлари ва ваколатхоналарини очиб бўйича, товарлар экспортини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рекламаси ва ярмарка ҳамда кўргазмалар ўтказиш бўйича ишларни фаолаштириш таклифлари ҳам тўпланди. Яна экспортга маҳсулот ишлаб чиқариш учун хом ашё ва материалларни олиб кириш бўйича контрактдаги қиймат миқдорига корхона ҳисобидаги маблағлар банк ваколатли вакиллари томонидан бекитиб қўйиш тартибини бекор қилиш масаласи ҳам тадбиркорлар томонидан катъий қўйилмоқда. Ушбу масалалар пухта ўрганилиб, ишлаб чиқилмоқда.

Имкон қадар кўпроқ шарт-шароит яратиш борасидаги ишларни бундан буён ҳам давом эттириш даркор. Токи корхоналаримизда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва валюта ишлаб топишга бўлган доимий қизиқиш шакллансин.

Ислон КАРИМОВ

Тараққиётнинг устувор йўналишлари: ЭКСПОРТ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР

Экспортга, яъни хорижий маҳсулот чиқариш — осон ишлардан эмас. Зеро, олиб кириладиган маҳсулотга талабларни қўлайлаштириш ҳамда ундан фойдаланиш шартларини қатъийлаштираётган мамлакатлар сони ортиб бормоқда. Бинобарин, ҳақиқий экспортчи ишлаб чиқаришнинг ҳозирги замон талабларига жавоб бериши, шахсий таркиб эса малаканинг юқори даражасига эришиши керак. Маҳсулот сотиладиган бозор, уларга кириб бориш усуллари ҳақидаги ахборотлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Молиялаштириш, буюмлар ва нақдларнинг ҳаракатини олдидан билиш масалалари пухта ишлаб чиқилиши талаб этилади. Қисқаси, экспорт ишига қўшилиш учун муайян билимлар ҳазинасига эга бўлиш зарур. Шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ва унинг туман бўлимлари шундай билимларни эгаллашга ёрдам беради.

Яқиндагина кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун ташқи иқтисодий алоқалар асослари бўйича ўқув курси ўз фаолиятини бошлади. Ушбу лойиҳани (дастурни) Ўзинкоммарказ амалга оширса, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси тингловчиларни тўплашга кўмаклашди. Курс ТИА мейн-рий-конунчилик базаси, халқаро ҳуқуқ, экспорт-импорт контрактларини тайёрлаш ва тузиш, тариф сиёсати, логистика ва янгилаш учун инвестициялар ҳамда кредитларга муҳтож. Ўзбекистонга ташрифи чоғида Берлин мэри бошчилигидаги делегация вакиллари билан олиб борилган музокаралар ушбу муаммоларни ҳал этиш йўлидаги амалий қадам бўлди. Натижада ишлаб чиқаришни янгилаш ва импорт ўрнини босадиган ҳамда экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида пойтахт кичик ва ўрта тадбиркорларини инвестициялаш бўйича ҳамкорлик тўғрисида шартлашга эри-

Ютуқлар учун нима қилиш керак?

Одатда Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, адлия бошқармаси, Бошқона кўмитаси ва бошқа идора-лар мутахассислари иштирокิดа тадбиркорлар учун турли семинарлар ўтатирилади. Уларда ташқи иқтисодий алоқалар бўйича фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилади. Тадбиркор иштирокчилар сонининг доимий ортиб бориши бундай учрашувларга қизиқиш катта эканлигини гувоҳлик бериб турибди. Чунончи, маркетинг, ташқи иқтисодий ва реклама фаолиятини ўрганишга бағишланган семинарда нафақат шахримиз, балки вилоят тадбиркорлари ҳам қатнашибди. Семинар ҳам услубий, ҳам амалий характерга эга эди. Тадбиркорлар ва ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиувчи давлат органлари вакиллари ўзаро учрашадиган бундай тадбирлар туман палаталари учун ҳам оддий тусга кириб қолди. Халқаро ташкилотлар, жумладан, «ИСА» (Япония), «JETRA» (Корея) агентликлари, «Seniores Italia» (Италия) уюшмаси қабуллар вакиллари билан амалий учрашувлар бошқа мамлакат-

ларнинг конкрет тажрибаларини амалиётга тадбиқ этишга ёрдам берапти. Яқиндагина кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун ташқи иқтисодий алоқалар асослари бўйича ўқув курси ўз фаолиятини бошлади. Ушбу лойиҳани (дастурни) Ўзинкоммарказ амалга оширса, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси тингловчиларни тўплашга кўмаклашди. Курс ТИА мейн-рий-конунчилик базаси, халқаро ҳуқуқ, экспорт-импорт контрактларини тайёрлаш ва тузиш, тариф сиёсати, логистика ва янгилаш учун инвестициялар ҳамда кредитларга муҳтож. Ўзбекистонга ташрифи чоғида Берлин мэри бошчилигидаги делегация вакиллари билан олиб борилган музокаралар ушбу муаммоларни ҳал этиш йўлидаги амалий қадам бўлди. Натижада ишлаб чиқаришни янгилаш ва импорт ўрнини босадиган ҳамда экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида пойтахт кичик ва ўрта тадбиркорларини инвестициялаш бўйича ҳамкорлик тўғрисида шартлашга эри-

Кредитлар мақсади — экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ўртага ва узок муددатли кредитлар билан қўллаб-қувватлаш республика Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки ишдаги асосий устувор йўналишлардан ҳисобланади. Унинг кўпчилиги миқозлари кредит олиш, ўз ишларини йўлга қўйиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, самарали иқтисодий ва технологик лойиҳаларни амалга оширишга муваффақ бўлишга.


Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банкининг таркибий бўлинимаси сифатида Тошкент шаҳар бўлими Бизнес-фонд билан, бандлик фонди билан кредитлаш масалалари бўйича битимлар тузиб, мустақам алоқа ўрнатган. Шу тариқа кредитларни расмийлаштиришда уларни тақдим этиш шартларига қараб танлаш имконияти пайдо бўлди. Ҳар қалай, кўпчилик кичик ва ўрта бизнес вакиллари банкка муурожаат қилиш, ўз инвестицион лойиҳаларини шу ерга жўнатиш, маслаҳатлар олиш учун келиш, бизнес-режалар тузишда ёрдам сўрашни афзал кўрдилар. Бироқ, қараб чиқиш учун тақдим этиладиган ҳар беш лойиҳадан аттиги биттасигина яроқли, талабларга жавоб беродиган бўлади, — дея ҳикоя қилади Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки Тошкент шаҳар бўлими кре-

дитлаш ва инвестицион лойиҳалар экспертизаси бўлими бошлиғи Ш. Қосимова. — Бизнеснинг банкмиз равни расмийлаштириш аввалгидай муаммо бўлиб қолмоқда: нотариал идораларда бунга кўп вақт кетади. Базан бу ерда кредитни расмийлаштиришга алоқаси бўлмаган ҳужжатлар ҳам талаб қилинади. Кўпинча тадбиркорлардан гаровга қўйилган мулкни мажбурий суғурталашни расмийлаштиришдаги қийинчиликлар ҳақида эшитишга тўғри келади. Биз ўз томонимиздан тадбиркорлар-ошиб кетган. Германиянинг замонавий ускуналари билан жиҳозланган «Тошкент-Центер» қўшма корхонаси уларни ишлаб чиқариш устида иш олиб борапти. Бироқ, бюрократчилик эҳтиёжларини қондириш учун корхонага қўшимча ускуналар, хом ашё керак бўлиб қолди. Уларни сотиб олиш учун ҳам 60 миллион сўмлик кредит ажратилди. Эндиликда импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш имконига «Медитекс» қўшма корхонаси ҳам эга бўлди. 2 миллион 431 минг доллар ҳажмида кредит олган, бу ерда қўшимча ускуналар сотиб олинди, монтаж қилиниб ишга туширилди. Йилнинг биринчи ярми якуни бўйича корхона 64 мингдан ортиқ бинтларни олди. Ҳозирги вақтда бош банкда яна бир қанча инвестицион лойиҳалар қараб чиқилмоқда. Улар орасида консервалаш учун қоққорлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ «XXI аср» хусусий фирмаси ҳам бор. Молиялаштириш йўлга қўйилган, лойиҳа амалга оширадиган бўлса, республика консерва заводлари бундай қоққорларни Россиядан импорт қилишдан қутулади. Микрокредитлар тадбиркорлар томонидан тобора кўпроқ талаб қилинадиган бўлиб бормоқда. Ҳозирги кунгача 35 миллион сўмлик, шу жумладан, имтиёзли кредитлаш фонди ҳисобига 10 миллион сўмлик қарз берилди. Албатта, кредит захиралари фоолроқ ўзлаштирилиши мақсадга мувофиқ бўларди. Лекин бу ишда иккала томон — ҳам банк, ҳам тадбиркорларнинг ҳамкорлигидаги интилишлари ва сўй-ҳаракатлари зарур бўлади.

ҲАМКОРЛАР

молиявий таъминлаш ишларини Еврола тараққиёт ва реконструкция банки, Осие тараққиёт банки ва КФВ банки кредит линиялари ҳисобига амалга ошириш учун тақдим этиладиган лойиҳалар энг аввало экспортга йўналтирилган бўлиши даркор. Шунга қарамай, кўпчилик лойиҳаларда валюта бўйича ўзини-ўзи қоплаш масаласи ҳал этилмайди. Яхшигина гоаяларни тадбиркор тегишли равишда тақдим эти олмаган ҳоллар, бизнес-режалар укувсиз тузилган ҳолатлар учраб туради. Га-

га кўмаклашиш учун барча чораларни қўришга интиламиш... Айтиш жоизки, бундай ҳаракатлар изсиз кетмайди. Олинган кредит тўғрисида «Мармакс» корхонасида ишлаб чиқариш жадал ривож топмоқда. Биринчи ярим йилликнинг ўзидоёқ корхона 10 минг долларлик маҳсулотни хорижга чиқарди. Ўз вақтида 500 минг АҚШ доллари миқдорига кредит орқали қўрсатилган молиявий ёрдам натижасида «Файз Им-пекс Фернич» ҚК мутахассислари ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини оширишга эришдилар. Биринчи ярим йилликда қўшма корхона 25 минг долларлик маҳсулотни четга сотди. Банкмиз кредитидан фойдаланаётган «Файз» акциядорлик бирлашмаси, «Афросиёб-мар-мар» хусусий фирмаси, «МАКС», «ФАМ» ҚК ва бошқаларнинг маҳсулотлари истеъмолчиларга манзур. Яқинда «АБК» хусусий фирмасининг минерал сув ишлаб чиқариш бўйича технологик линияси ишга туширилди. Фирма шу мақсадда банкдан 3 миллион 536 минг доллар кредит олганди. Маълумки, ҳозир республикамизда газ, сув, иссиқлик сарфини ўлчайдиган асбобларга эҳтиёж



Ташишнинг: қўшма корхона

Сифат, экологик хавфсизлик — муваффақият гарови

«ХОБАС-ТАПО» Ўзбекистон-Швейцария-Германия қўшма корхонаси Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов шахсан иштирокиде 2000 йилнинг март ойида расман ишга тушган ва у истиқболда қурувлар системалари ишлаб чиқаришнинг минтақадаги энг йирик корхона бўлиб қолади. Завод қурилишига ҳаммаси бўлиб бир ярим йил вақт кетганди. Инвестициялар умумий суммаси эса, 100 миллион долл-маркадан ортиб кетди. Устав фондида хисса 50 фоиз бўлган Чарлов номили «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат-акциядорлик жамияти ҳамда 45 фоизлик хиссага эга бўлган «ХОБАС-АТ» ва «ВЭМЭКС-Биб-6» унинг таъсисчилари бўлишди. Корхона «ХОБАС-ТАПО» дунёдаги барча заводлари ичиде энг замонавий ва энг йириги дейиш мумкин. Агар мазкур корхона маҳсулотига талаб гоят катта эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу жуда муҳим эканлиги шубҳасиз. Бу ерда ишлаб чиқариладиган маҳсулот — нометалл қурувлар кўп афзалликларга эга. Булар — диаметрларнинг хилма-хиллиги, вазнининг энгиллиги, ишлаш шартларининг анча узаклиги — яъни 75 йилгача бориши, монтаж қилинишнинг оддий-соддалиги ҳамда фойдаланиш қимматининг арзонлигиндан иборат. Бунда уларнинг қиммиёвий таъбирлари, оғир шакллаларга чидамлиги, агрессив муҳитда ҳам ишлатилиши мумкинлигини ҳам таъкидлаш жоиз. «ХОБАС-ТАПО» ҚК қурувлари қўланилиши мумкин бўлган соҳалар аз эмас, Чунончи, улардан нафақат сановатда, балки аҳолини сув билан таъминлашда, оқова сувларини экологик мусоффо ҳолда ҳайдашда кенг фойдаланилади. Қисқаси, ушбу қурувлар тир-гидроэнергетика стан-

циялари ва магистраль босим қувур йўллари ҳамма жойда қўлланилиши мумкин. Янги заводда 4 та ишлаб чиқариш линиялари ҳамда нометалл қурувлар ишлаб чиқариш бўйича 18 та станция мавжуд. Жиҳозлар энг замонавий ускуналардан иборат бўлиб, уларда тўла самара билан ишлаш учун корхонадаги 120 ишчидан кўпчилиги хорижда ўқиб-ўрганиб келди. Қўшма корхона иш бошлаганидан буён 27 километрдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилган. Албатта, йиллик қуввати минг километр қувур ишлаб чиқаришга мўлжалланган завод учун бу курсатки жуда кам қўриниши табиий. Лекин ҳозир барча линиялар созилаб бўлгани йўқ. «ХОБАС-ТАПО» энг юқори курсаткига эришиш ниятида. Бу ниятнинг амалга ошишига шубҳа йўқ. Зеро, бозорда керагидан ортиқ харидорлар топилган. Республикадаги кўпгина ташкилотлар билан, жумладан, ОКМК, «Сувосоз» трести билан шартномалар имзоланган. Уфдаги шериклар билан тузилган контракт амалга оширилди. Завод ўз маҳсулотининг 50 фоизини бошқа мамлакатларга экспорт қилиши ва шу билан Ўзбекистонга каттик валюта келтириши мумкин. Корхона фаолияти экспортга йўналтирилганининг раванқи сезилишига, оғир шакллаларга чидамлиги, агрессив муҳитда ҳам ишлатилиши мумкинлигини ҳам таъкидлаш жоиз. «ХОБАС-ТАПО» ҚК қурувлари қўланилиши мумкин бўлган соҳалар аз эмас, Чунончи, улардан нафақат сановатда, балки аҳолини сув билан таъминлашда, оқова сувларини экологик мусоффо ҳолда ҳайдашда кенг фойдаланилади. Қисқаси, ушбу қурувлар тир-гидроэнергетика стан-

Саҳифани «Тошкент оқшом» мухбирлари тайёрлашди.

**Миллий маданиятимиз ҳазинасига улкан ҳисса қўшган буюк актёр Аббор Ҳидоятов бетақдор ижодлари билан ўзбек халқини юксакларга кўтариб олган санъаткоридир. У ўзининг қисқа, лекин мазмундор умри давомида шундай оламшумул образларни яратдики, дунёнинг машҳур кишилари ҳам унинг чекиригига таянган бўлиши мумкин.**

Юртимизда меҳмон бўлган Англиянинг парламент аъзолари «Биз — Шекспир ватанидан келганлар ўзбек артисти Аббор Ҳидоятов ижросидаги Отеллони кўриб унинг буюк санъаткор эканлигига қайли қолдик. Бу ижрони дунё кўрас бўлади» деб ёзган эдилар. Лондонда Шекспир асарлари қаҳрамонлари намойиш этилганда Аббор Ҳидоятов ҳам иштирок этган эди. Чех шoirи Юлиус Фучик «Аббор Ҳидоятовнинг Гамлет образи мен кўрган ва билган артистлардан кўпроқ ҳаёжонга солди. Унда ўзига хос жозибакорлик мавжудки, бундай истаёлоқ ҳар кимга ҳам насиб этмайдими» деб ёрқин муносабат билдирган. Аббор Ҳидоятов умр йўлини Сорахоним Эшон-Ғураева билан биргаликда халқимизга кўп хизматлар қилган; миллий ўзбек театрининг шаклланиши ва мукамаллашувида катта ижодий ишларни амалга оширган юксак таланти соҳиб эдилар.

Дунё тасодифларга тўла деймиш, аслида бу икки санъаткорнинг бири бири билан ҳаёт қуришлари, жўқин ижод қилишлари тақдир азалнинг сирли тўхтасига ўхшайди. Аббор Ҳидоятов Тошкентнинг Дегрез маҳалласи (ҳозирги Ҳамза театри ва ширк биноси оралигида) Раҳматилла уста оиласида дунёга келган. Унинг отаси иморат устаси бўлиб, Абборнинг доим ёнида олиб юрар, ўзи санъатга шўх бўлганидан ўғлининг кўлига ўзи ясаган оддий бир дуторта ўхшаган асбоби бериб маҳалла чойхонасида ашула айтиришни ва ундан олиб чиққан бир патнис чорос узумни ўртага қўйиб ойна-оғайнлилари билан турунг қилишни яқин кўрар эди.

Сорахоним эса Наманганнинг Янгиқўрғон қишлоғида болгон оиласида туғилиб воғат этган. Уларнинг кўрғонидан ҳам чорос узуми бўлганди... Замон тақозоси билан ота-онадан айрилган Сорахоним Тошкентга келиб қизлар интернатида тарбия топади. Бу тақдирни қарангки, Аббор Ҳидоятов театр раҳбари Маннон Уйғур билан ушбу мактабда саҳнага қўйилган «Гамлет» спектаклини кўрадилар ва ёш, таланти қиз улғу санъаткорлар назарига тушади. Уша йиллари Маннон Уйғур Аббор Ҳидоятов билан биргаликда Москвадаги Вахтангов театри қошида очилганда ўзбек студиясига ўқишга йўлаш учун ҳақи истаёлоқларини излашарди. Сора Эшон-Ғураевани шу ўқишга таллашди. Балки ушундайлик икки жўқин қалб торлари болганандир.

Кейинчалик Аббор Ҳидоятов ва Сора Эшон-Ғураеваларнинг драма асарларидаги роллари элимизга машҳур бўла бошлайди. Сорахоним ижро этган «Портфелли киши» асаридида Гога, Аббор аканинг эса «Тарих тили кирди» пьесасидаги Темир образи томошабинларни жуда кўп ҳаёжонга келтирган эди. Санъаткорлар ўз фарзандлари исмини Гога, Темир деб аташганлари ҳам шундан.

Гога Ҳидоятовнинг кўзи у тарих соҳасида катта олим) айтишига ҳазир ота-онаси уларнинг аввало соғлом ўсишига ва дарс тайёрлашларида алоҳида эътибор беришган. Аббор Ҳидоятов эса ўзи нийҳоятда забардаст бўлган учунми, фарзандларини ҳам шундай тарбиялашга интилар, улар билан турли машқлар ўтказарди.

Самарқанддаги театр маркази Тошкентга кўчиб келди. Ҳамза номидаги драмтеатри жамоаси 34-йилга келиб «Гамлет» фокусиани сахналаштиришга киришади. Бунда бош ролларни Аббор ака билан Сора опалар ижро этишга тайёрланар эди. Улар Ҳамза театри ёнида Аббор ака туғилган ўсган Дегрез маҳалласида истикомат қилишарди. У замонларда хонадонларда электр чиройи бўлмаганлиги туфайли баъзан ё пиликнинг ёнидада овқатланишар, сўхбатлар ўтказишар эди. Маҳалла ёнидаги буджа тепасида электр чиройи бўлган туфайли ўз ролларини ўша ерда қиқиб тайёрлашар эди. Симёғоч тағидидаги чирок нурида ҳатто



Сирдош дугоналар сирлашганда. Ravilya Alieva олган сурат.

**ПЕДАГОГИК ТАДҚИҚОТЛАР САМАРАЛАРИ**

Мамлакатимизда педагогика фанини ривожлантириш йўлида кенг кўламли тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бунда, шубҳасиз ўзбекистон педагогика фанлари илмий текшириш институти салмоқли ўрин тутаяди.

Мамлакатимизда педагогика фанининг илмий марказига айланган бу даргоҳда «Янги педагогик технологиялар», «Ахборот маркази», «Педагогик менежмент» каби замонавий лабораторияларнинг ташкил топиши илмий тадқиқотларни янада кенгайтириш, педагогика фани муаммоларига бугунги кун талаблари асосида ёндошиш имконини бераётир.

Институт олимларининг ўзбекистон Фан ва техника давлат кўмитаси билан ҳамкорликда олиб бораётган тадқиқотлари ҳам самарали бўлмоқда. Мазкур кўмитанинг инвестицион дастури бўйича ишлаб чиқилган

тонг отгувча машқ қилишган кунлари ҳам бўлган. Шундай меҳнатлар самарасидан яралган «Гамлет» томошабинларнинг талаблариغا биноан тўхтовсиз бир ой ҳар кечаси тинимсиз саҳнага қўйилганлиги спектакль муваффақиятли чиққанлигидан далолат беради, албатта. Аббор ака нийҳоятда чарчаб кетган кезлари дуторини кўлга олиб ўзи билган ашулалардан ҳиройи қилар эди. У шoirтабиат эканлигидан баъзан Сорахонимга таъ ширлар ҳам тўқитган.

Саҳнада ҳам улар ижро этган ролларда шундай жумлалар айтилар эдики, гўё шу сўзларни ўзлари бир-бирларига айтаётгандай бўлар эдилар. Гофур: Сена ишонаман, қўрқаман холос. Чунки менинг олтинларим, марварид, маржонларим, атлас-шоҳиларим йўқ. Елғиз гавҳардан тиник, қўшдан ҳам юксак муҳаббатим бор холос...



Барҳайт сиймолар **БУЮК МУҶАББАТ САҲНАСИ** Аббор Ҳидоятов таваллудининг 100 йиллигига

Жамила: Этаримни ништар билан тилсинлар, бошимда тегирмон тоши юртисинлар, мен сиздан ажралмайман. (Ҳамза, «Бой ила хизматчи».)

Муқанна:  
Бу дунёнинг Гули ёлғиз сен ўзинг,  
Қолипта экан беради тенг сўзинг.  
Бутун борлиқ бугун олар кўзимдан,  
Осмонода ой тушадида юзюксдан.

Гулёйим:  
Кўзим очдинг мен дунёни кенг кўрдим,  
Ўзимни ҳам одамларга тенг кўрдим.  
Сенинг бирдан бирга ёдним қанот ҳам.  
Кўзларимга гўзал бўйди ҳаёт ҳам.

(Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна» асаридан.)

Мен уларнинг муҳаббати ижодларида илҳом париси бўлганлиги каби роллар томошасида ҳис қилганман. Албатта санъаткор саҳнада ўзга қўйишга кирилади. Ва шунга ўзини тайёрлайди. Аммо уларда деб табиий севаги роғда янада жозоба кўшади деб ўйлайман. Аббор Ҳидоятов Сорахонимга бўлган муҳаббати саҳнадаги ижодларида ўйинг бўлиб тушгандай эди. Ўз эхтиросларини нийҳоятда ролга синдириган, қаҳрамон ва шахс муҳаббати қўшилганиданми, ё инсон туйғуларини энг чуққиларини санъатда акс эттирилганиданми ёхуд бошқа ҳаётий сабаблар туфайлими, ҳар қалай унинг саломатлигига булар таъсир кўрсатмай қолмасди. Вильям Шекспир ана шундай эхтирослар чуққисида Отеллонинг руҳий касаллигини акс эттириши ҳам бежиз бўлмас керак. Энг юқори даражадаги фожиавий асарларни ҳаётий яратган Шекспир Отелло образидида ўта инсоний руҳий азоблар акс этганида уни бехос ҳушидан кетишини ишонари кўрсата олган.

Фожиавий роллар устаси Аббор Ҳидоятов бу ролни шундай чуққил торларда акс эттири олганидан спектакль вақтидаги қаҳрамон Отеллонинг йиқилиши унинг шахсий ҳасталиги билан болганлигини кўриб ҳайратланганман. Одатда Отелло ҳаяжонларнинг энг чуққисида йиқилар ва бироз вақт ўтиши билан яна ўрнидан туриб воқеани давом эттирар эди. Бу ҳақда шу асардаги Яго, унинг ашадий душмани «генерализмининг қўнғини тутди, ҳозир ўзига келди» дейиши ҳам бежиз эмас.

Аббор Ҳидоятов бу фожиавий ролни 500 марта ижро этганлигини ишонлаб театр санъатига одат бўлган бенифис ўтказилди. Спектаклнинг қоқ ўртасида парда очилиб, 500-қўйиллиш деб

эълон қилинганида мухлислар ўрнидан туриб ул зотни олқишлаганлари ҳамон элимда. Шунда машҳур раққоса Муқаррама Турғунбоева кўчқоққа сигмас гулдасталарни Аббор Ҳидоятов пойма ташлар эди. Машҳур мақомшунос Юнус Ражабий эса саҳнага чиқиб уни бағрига босар экан, қўлидаги дуторни чертиб Муқаррамаҳонини ўйинга туширди. Муқаррамаҳон қийиқчани Аббор аканинг белига боғлади, шунда «Анджон полка»сини бирга ижро этишган. Мен Аббор аканинг ашула айтишини, дутор чертишини билар эдим, аммо ҳақиқий ўзбек чапани ўйинларини қойилмақом қилишини ўшанда кўрганман.

Фарзанди Темирнинг айтишича, бундай ҳаяжонли кечаларда у кечаси билан ухламас ва кўпроқ ҳовлини айланиб дам олар экан. Маълумки, санъат жонқурлари бу иккала буюк ак-

тёрлар учун катта ҳовлини иморат қурилишига бош бўлишгани, ҳатто у иморатда саҳна ҳам бўлишига ҳалқимизнинг санъаткорига муҳаббатини акс эттириш рамиз деса бўлар эди. Айниқса, ҳовлидаги мевали дарактарлар, ҳовузлар, шаршарали сувлар, қатор экилган ишқомли узумлар икки санъаткорнинг баҳри-диллини очиб, ижодига илҳом берганлиги шубҳасиз. Аббор ака ишқомларда ўзи севган чаросларни алоҳида парварин қиларди. Эрта билан чарос узумидан патнисни тўладириб оилавий ношуфта столга қўяр эди. Ана шундай тонгларнинг бирда у киши узум тағида тўсатдан йиқилади ва ҳаётдан кўз юмади.

Бу огир мусибат халқимизга эълон қилинган ва санъаткор бир умр ишлаган театрда марҳум билан видолашув ўтказилиши айтилади. Эрталаб бу ерга нафакат Тошкентдан, балки вилоятлардан ҳам етиб келганлар тўпландилар. Маросим тўрт соат давом этса-да, одамларнинг кети узилмасди. Уларнинг аччиқ кўз ёш тўққанлигини кўриб, мен бу инсонлар ундан муҳаббат нималигини, одамийлик нималигини ўрганган, ундан доим яхшилик сабогини олганлар деб ўйлардим.

Чиндан ҳам буюк актёрнинг халққа хизмати катта эди. У дунёнинг санъаткорлари ичида ўзининг зўр истаёлоқи билан бошқа халқларни ҳам ҳайратда қолдирган сиймоидир. Шу боис ҳам халқимиз ўз буюкларини ҳайраб, иззат-икромини жойига келтириб, аввали Ҳамза театри (ҳозирги Аббор Ҳидоятов биноси) олдидан Чингай қабристонига ҳозирги Форобий кўчаси бўйлаб тобутни елкама-елка олиб боришган. Ўзбекистон радиоси ўша кунни бутун жумҳурият бўйлаб қабристонга кузатиш лойиҳа радио карналаридан «Отелло»ни эшиттириб турди.

Хар сафар биз санъаткорлар у кишининг қабрига бориб гулчамбар кўяр эканмиш, унга ёзиб қўйилган Мақсуд Шайхзоданинг ушбу мисралари қўриб ўқишга тушади:  
Бу ерда ухлайди буюк санъаткор,  
Дилларга бахш этди мардиқли ҳар он.  
Бу ўқидан ўтганда сен талғам ила,  
Улмас сиймосига салом бер инсон.

Зикр МУҲАММАДЖОНОВ,  
Ўзбекистон халқ артисти.

СУРАТДА: Ўзбекистон халқ рессоми Абдулҳақ Абдуллоевнинг «Аббор Ҳидоятов — Отелло ролда» асаридан олинган расм.

**Тадбирлар**  
**МАЪНАВИЯТИМИЗ**  
**КЎЗҒУСИ**

Тошкент шаҳар ҳоқимлиги, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ва Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ҳамкорликда **Қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежиди «Кийиниш маданияти — маънавиятимиз кўзғуси» мавзусида на-вбатдаги семинарни ўтказди.**

Тадбирда туманлардаги хотин-қизлар кўмиталари раислари ва фаоллари, коллеж ва лицейлар ўқитувчи ва ўқувчилари, ташкилот ва корхоналарнинг фаол хотин-қизлари иштирок этдилар.

Семинарда «Мустақиллик. Аёл. Маънавият» мавзусида шахримизда фаолият кўрсатаётган барча коллеж ва лицейларда, умуман шахримиз аёллари ва қизларининг кийиниш маданияти ҳақида сўз борди.

Шундан сўнг Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Озода Каримова «Кийиниш маданияти — маънавиятимиз кўзғуси», Тошкент Давлат Тиббиёт институти шифохоналари тиббиёт билим юрти хотин-қизлар кенгаши раиси Муборакхон Султонова «Либлисларда мужассам ҳаё ва саломатлик», Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги лицейнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Гулнора Айметова «Кийиниш одоби ва тарихий қадриятларимиз» мавзуларида сўзладилар.

Тадбир сўнгиди миллий кийимлар ва академик лицей, касб-хунар коллежи ўқувчилари формаларининг намоиши бўлди.

Шоира МУҲАМЕДОВА.

**«СОҒЛОМ ОИЛА ТАРЗИ»**

Мамлакатимизда оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш йўлида кенг қамровли тиббий тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада эришилган ютуқларни инобатга олиб **Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Ўзбекистонни ўзининг юбилей нишонин билан тақдирлаганини айтиб ўтиш жоиздир.**

Бундай яхши самарага эришишда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг педиатрия илмий текшириш институти олимларининг ҳам салмоқли ўрни бор, албатта. Илмий муассаса мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган илмий тавсиялар она ва болалар саломатлигини янада яхшилашга хизмат қилмоқда.

Институтда «Мустақам саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш» деб номланган республика ўқув-методик марказининг очилиши ҳам нур устига аъло нур бўлди. Қисқа вақт ичида марказнинг жойларда бир неча шохбачаси иш бошлади.

Марказ орқали юш-тирилган дониш мавзулотларига тебиёт ҳодимлари, шунингдек, оила аъзолари ҳам жалб этилмоқда. «Соғлом авлод учун» жамғармаси билан ҳамкорликда олиб борилаётган тиббий тадбирлар ҳам соғлом турмуш тарзини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Анвар ВАЛИЕВ.

**ШАҲАР ДУРДОЧАЛАРИ**  
**ЎЗ-ЎЗ ҲАҚИДА**  
**ДОМО БУЛАВ...**

- Кимки китобга кўп боқса китоб унинг эҳқини очади, завқини оширади, сўзга чечан қилади.
- Эй фарзанд, китоб инсондан ҳеч нарса тиламайди, аммо уни камолга етказди. Китоб одоб-ахлоқнинг қони, билимининг эса булоғидир.
- «Хулоса» китобидан маълум бўлишича, овқатни асло ҳидламаслик, овқат орасида сув ичмаслик, бордию, ичиш лозим бўлиб қолса пиёла ёки идишни ёғли қўл билан булғамасликка имкон қадар ҳаракат қилмоғи лозим.

- Овқат ейиш учун ўтиришда аввало доно ва олим кишилар энг юқорига ўтказилади. Сўнг эса ёши, илми ҳижатидан юқорига ўтказилган кишиларга яқинроқ кишилар тақлиф этилади. Бордию, ўрта ва охириги даражада бўлган кишилар юқорига ўтиб қолган бўлса, уларни турғазини ва ёши ҳамда илми ҳижатидан устун бўлган кишиларни тепага ўтказиш мумкин.
- Билгинки, кўп ейдиган одамнинг саломатлиги кам бўлади.

Байт:  
**Кимки кўп ейишни айласа одам,**  
**Ичию тошини қоплабай иламм!**

- Кўп ейиш, ўз ейишдан ҳам маҳрум қилади. Баданининг қуввати овқат, руҳнинг қуввати эса илмдир.
- Айбсиз одамни қўрган ҳасадчининг жаҳли чиқади.
- Баданининг созлиги ҳасаднинг озлигидан.
- Ҳасадчининг моли ўзига насиб этмайди.

**«Атлар сўзлари»дан.**

- Билгинки, саҳий одам душманлик ва адоватдан қочган, ўз қалбида муҳаббатга йўл очган бўлади.

- **Ҳикоят.** Айтишларича, Лайли ишк ва хуснда машҳур бўлиб кетгач, ўша давр кишиларидан бирининг кўнглида уни кўриш истаги тугён уриб, шунча гап-сўзга сабаб бўлган Лайлининг жамолини қандайлигини билмоқчи бўлди. У Лайлини кўргач, ҳафсаласи пир бўлиб хилватга равона бўлди ва яқинларига қараб:  
— Лайли чиройли эмас экан, Мажнуннинг унга мунчалик мафтун бўлишининг сабаби нима экан? — деди.
- Улар:  
— Лайлининг гўзаллигини пайқаш учун унга Мажнуннинг кўзи билан боқиш керак! — деб жавоб беришди.

- Агар бордию, кишининг учта фарзанди бўлса, ҳар учовига ҳам илм ўргатгани яхши. Агар бундай имкониятга эга бўлмаса биттасига илм ўргатсин, биттасига ҳунар ва яна биттасига зироат ёки тижорат ўргатсин. Умуман, хулоса қилиб айтадиган бўлсак уларни бирор фойдали ишлар билан машғул этиш ва ёмонлар билан улфат ва ҳамсухбат бўлишдан қайтариш керак.
- Сен ҳамма вақт ота ёки бобонинг наслу насаби билан эмас, балки ўз меҳнатинг ва хунаринг билан керил!
- Бир улуг киши ҳикоят қилиб деди:  
— Мен бир қавми кўрдим. Ўз ака-укаларини узоқ вақт кўрмай юрaverишар экан. Кўрғанда эса ҳол-аҳвол сўрашмас, фақат ишдан гапиришиб, пул, мол керак бўлса бир-биридан аяшмас экан. Бундай яхшилиқни эса бир-бировларига ҳеч қачон миннат қилишмас экан.

Яна шундай бир қавми кўрдим. Агар бир-бирини кўрмай қолган бўлишса, ҳол-аҳволини, қандай яшаётганини, бола-чақа ва бошқа нарсаларни ҳеч эринмай, зўр эътибор билан суриштиришар экан. Агар пулдан гап чиқиб қолса тездагина чап беришиб, қочиб қолишаркан. Арзимас бир нарсани бир-бирига оғринишар экан.

**Мунингдан ЖУВАЙИЙ.**

- Баъзи бир ҳақимларнинг ёзишича, нафсининг тизгини ақлнинг қўлидадир, ақл нафс устидан ҳукм юргизиш, уни ёмон йўлдан асраб туради. Одатда қайси нарса кўпайиб кетса қадри камайиб кетади. Аммо ақл кўпайган сари қадри ошаверади. Ҳамма нарсанинг чегараси ва тўхтайдиган жойи бор, аммо ёдингда тутгинки, ҳеч вақт ақлнинг чегараси йўқ.
- Бир ҳақимдан:  
— Сиз кишининг ақлини қандай қилиб биласиз? — деб сўрадилар.  
Ҳақим уларга қараб:  
— Агар менда бундай истақ пайдо бўлса, аввал ўша киши билан сўхбат қураман, баъзи нарсалар ҳақида баҳс этаман, агар сўзлари рост ва ҳатоси кам бўлса, демек ундай кишида ақл бор деб тасаввур қиламан, — деб жавоб берди.

Яна ундан:  
— Бордию ўша киши билан сўзлаша олмасангиз сиздан узоқда бўлса, унда қандай қилиб аниқлайсиз? — деб сўрашди.  
— У пайтда ўша киши юборган дўсти билан гаплашаман, дўсти орқали гапи ёки хатидида фикрдан мазкур кишининг ақл доирасини текшираман, — дея жавоб берди ақли ҳақим.

- Азизим, улуглиқнинг сабаби ақл ва одобдир. Кимки соф ақл ва қомил фаросатга эга бўлса пастлик даражасидан улуглик мартабасига эришиши мумкин.

Байт:  
**Кимда ўткир ақлу фаросат бордур,**  
**Ғалаба байроғини тикар осмонга!**

**«Ғавақил ал-жуласо»дан.**  
**Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.**

Таблиця

ҳам киришилди. «Ўзбекистон Республикаси улуксиз таълим тизимида миллий фони шакллантириш жараёнида Ўзбек халқининг маънавий меросидан ҳамда таълимнинг жаҳон таърибасидан фойдаланиш», «Синфдан ва мактабдан ташқаридида тарбиявий ишларда ёшлар маънавий маданиятини шакллантиришининг илмий-педагогик асослари» каби мавзулар шулар жумласидан.

Институт олимлари ҳозир умумтаълим мактаблари учун қатор янги дарслик ва ўқув қўлланмалари уш-тида ҳам иш олиб бормоқда.

Акбар АЛИЕВ.

Газдан хавфсиз фойдаланиш икки ойлиги якунланмоқда

# АСОСИЙ МАҚСАД — ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗГА ҚУЛАЙЛИК

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг қарорига биноан «ТошГАЗ» бошқармаси ҳар йили иситиш мавсуми бошланишидан аввал «Газдан хавфсиз фойдаланиш икки ойлиги»ни ўтказиши аниқ кўрилади. Айни кунларда, ушбу тадбирни муваффақиятли ва уюшқоқликда ўтказиб, уни якунлаш учун бошқарманинг барча ходимлари саъй-ҳаракат кўрсатишмоқда. Бу зарур тадбир давомида амалга оширилаётган ишлар ҳамда бошқарма ходимларининг кузги-қишки мавсумга тайёргарлик юмушлари ҳақида бош муҳандис Собир КУЧАРОВ куйидагиларни гапириб берди:

— Икки ойлик ўтказишдан асосий мақсад газдан фойдаланувчи аҳолини «зангори олов»дан тўғри, бехатар фойдаланишга ўргатиш ҳамда ундан нотўғри фойдаланиш оқибатида содир бўладиган ёнғин, портлаш, одамларнинг газдан бўғилиши, захарланиши каби бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, газ сарфини камайтириш, яъни газнинг бекорга сарфланиши ва ундан ўз ўрнида фойдаланиш каби вазифаларни ҳал этишдир. Ушбу икки ойлиқни муваффақиятли амалга оширишда, режа асосидаги ишларни бажаришда барча масъул ходимлар зиммаларидаги масъулиятни чуқур ҳис этмоқдалар.

Маълумки, қиш кунларида аҳолини, корхона, таъхилот ва муассасаларни «зангори олов» билан мунтазам ва бехатар таъминлаш бизнинг асосий вазифаларимиз сирасига кириши. Шу боис ҳам биз эрта баҳорда бошланган кузги-қишки тайёргарлик ишларини икки ойлик давомида ҳам қизгин давом эттирмоқдамиз. Бунинг учун бошқармаимиз қоида махсус штаб ташкил этилган бўлиб, ҳар ҳафта ўтказиладиган йиғилишларда масъул ходимларнинг ахборотлари эшитилади ва келгуси вазифалар аниқ белгилаб олинади.

Утган ойлار мобайнида пойтахтимизда 17,4 километрик янги газ қувурлари ишга туширилди, 7,9 километр газ қувурлари капитал таъмирланди, 61 та юқори босимли, 1305 ўрта босимли газ таъминлаш мосламалари техник қўриқдан ўтказилди. 840 километр ер ости газ қувурлари ҳам қўздан кечирилиб, тўла назоратдан ўтказиб бўлинди. Шунингдек, 18,2 километр ер усти газ қувурлари бўлинди. 10 километр ер ости газ қувури ҳаво билан тозаланди. 212,115 та газ асбоблари дудбуронлари текширилди. Жойларда аҳолини газ билан уюлтириш ва етарли таъминлаш йўлга қўйиш мақсадида Шайхонтоҳур ва Собир Раҳимов туманларидаги Фафур Гулом кўчасига ёндошган маҳаллада ва Сабзор

даҳасидаги яшовчиларга қулайлик яратиш учун Абдулла Қодирий кўчасидан Кайковус ариғигача 2,3 километр узунликдаги диаметри 325 миллиметр бўлган газ қувури қуриб битказилди. Бектемир туманида диаметри 325 миллиметр бўлган 0,7 километрик магистраль газ тармоғи, диаметри 530 миллиметрик юқори босимли 3 километр узунликдаги газ қувури қурилиб фойдаланишга топширилди. Бешқўрғон ва Майқўрғон турар жой мавзеларида диаметри 159 миллиметрик 0,9 километр узунликдаги юқори босимли газ қувури ишга туширилиши бу ерда яшовчиларни газ билан таъминлашнинг янада яхшилайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, икки ойлик тадбир давомида анчагина зарур ишлар амалга оширилиши мўлжалланган эди. Ҳозирда барча тумангазларда ана шу режа асосида ходимлар фаоллик кўрсатишмоқда. Шу кунга қадар пойтахтимиздаги маҳалла, мактаб, турли ўқув даргоҳлари, корхона ва таъхилотлар, бозорлар ҳамда аҳоли кўп тулланган жойларда ўтказилаётган тадбирнинг аҳамияти, газдан хавфсиз фойдаланиш қонун-қоидалари ҳақида маърузалар ўқилмоқда, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, юз марта эшитилган бир марта қўрғон афзал деганларидек, шаҳар кинотеатрларида газдан хавф-хатарсиз фойдаланишга оид, акс ҳолда унинг оқибатлари қимматли тушиши, ҳаттоки ҳаёт учун хавфли эканлиги тўғрисида кинофильмлар намойиш этилмоқда.

Ўтказилаётган йиғилишлардаги маърузаларда ёқилган газ асбобларини назоратсиз қолдирмаслик, ёш болаларга газдан фойдаланишга рухсат бермаслик, газ плиталарини бекорга ёқиб қўймаслик, улардан ўй истишда фойдаланиш ёмон оқибатларга сабаб бўлиши ва бошқа керакли қоидалар қатъий эслатишмоқда.

Яна тадбир давомида шу нарсалар аниқланмоқдаки, ҳозирги вақтда баъзи хонадон эгалари ўзбошимчилик билан газ асбобларини бошқа жойга қўчириш ва қўшимча улан

ҳотлатлари кўпайган. Кўп қаватли уйларда газ плитасининг айвонларга қўчирилиши бунга яққол мисолдир. Бундан кўпчилик хонадон эгалари резина шланглардан фойдаланишади. Ана шундай ҳолларда тадбир давомида аниқланган ҳоллардан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Юнусобод тумани 2-мавзе, 15-уй, 23-хонадон соҳиби Аҳмедов, 14-а уй, 14-хонадонда яшовчи Цой, 14- мавзе, 12-уй, 27-хонадон эгаси Рустамов, 9-уй, 32-хонадонда яшовчи Исроилов, 5-уй, 13-хонадон соҳиби Тожиёвларнинг қилишлари бунга мисол бўла олади. Текширувчилар бундай ҳолларда ушбу хонадонлардаги камчиликни тугатиш, хавфсизлик чораларини кўриш мақсадида газни узиб қўйишди. Шунингдек, Яқкасарой тумани Росқова кўчаси, 8-уй, 1-хонадон (соҳиби Каримова), Бобур кўчаси, 69- уй, 45-хонадон (эгаси Гладкова) ларда ҳам юқоридаги ноҳус ҳолатлар аниқланиб, тезлик билан чора-тадбирлар қўрилди. Бундай ҳолатлар аниқланган барча туманларда нафақат хонадондаги газ ўчириб қўйилади, шу билан бирга носозликлар тугатилади, хонадон эгалари билан тушунтириш ишлари олиб борилди ва бундай ноҳус, ўзбошимчи ишлар кейин қайтарилмаслиги учун ҳаракат қилинади.

Ана шундай ўзбошимчилик қилган, натижада хонадон эгаларининг ҳаётини хавф остига қўётган ҳамшаҳарларимизга шуни алоҳида эслатиш лозимки, улар томонидан ўрнатилган резина шланглар газнинг таъсирини ёрилади, натижада эса яшиллик билан тугамайди. Газ асбобларини бошқа жойга қўчириш, қўшимча газ ўрнатиш масалалари бўйича мутахассисларга — жойлардаги тумангаз идораларига мурожаат этиш лозим. Ахир ҳалқимизда «Чумчуқ сўйса ҳам қас-соб сўйсин» деган ажойиб нақл бор-ку.

Ўтказилган ва якунланаётган икки ойликда камчиликларни ўз вақтида аниқлаб, тугатиш, аҳолининг газдан фойдаланиш маданиятини ошириш — буларнинг барчаси ҳамшаҳарларимиз учун, улар ҳаётининг фаровонлиги, шароитининг қулайлиги учун муҳим ҳисса бўлиб қўйилади. Шунинг учун ҳам нафақат бошқармаимиз ходимлари, балки ҳар бир ҳамшаҳаримиз бу ишга жиддий ёндошса, фойдадан холи бўлмайди.

Шарифа ИЛЁСОВА ёзиб олди.



# ТАБИАТ ВА ИНСОН

№10 (105) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг иловаси

Мустақил юртимиз кундан кунга обод ва кўркам бўлиб бораётганлиги ҳар биримизни қувонтиради, албатта. Аммо шу гўзалликни асраш, авайлаш ҳаммамизнинг ҳам қўлимиздан келавермайди. Шу нуқтаи назардан қараганда яқинда давлатимиз томонидан «Экология экспертиза» тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилинганлиги айни муддао бўлди.

Ушбу Қонунда ҳар бир лойиҳалаштирилаётган мажмуа белгиланган тартибда экология экспертизасидан ўтиши лозимлиги таъкидланади. Унда давлат экология экспертизасидан ўтказишга тавсия этилган ҳар қандай буюртма дастлаб лойиҳачилар томонидан пишиқ-пухта ишланиши ва у атроф-муҳитга унчалик катта зарар етказмаслиги ҳисобга олинishi алоҳида ўқидилган. Бу эса ўз навбатида лойиҳачи ташкилотлардан ишлаб чиқарилаётган лойиҳаларда атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига жиддий, масъулият билан ёндошишни талаб қилади. Бу борада шахримиздаги «Тошсувгеология» институти ва «Эко-Ван» фирмасининг бажараётган ишлари диққатга сазовордир.

«Тошсувгеология» институтининг «Тошкент трактор заводи» акциядорлик жамиятидан чиқётган коллектор-

дренаж оқва сувларини нефть қолдиқларидан тозалаш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳасини ижобий томондан кўрсатиш мумкин. Ушбу лойиҳа бўйича қорхонадан чиқётган нефть қолдиқлари билан ифлосланган оқва сувлар махсус қурилмага келиб тушади. Ушбу син-

Бунинг мисоли сифатида Тошкент метрополитенини кўлини ялғизлаштириш бўйича зич жойлашган Сергели туманига узайтириш лойиҳаси тақдим этилди. Лойиҳанинг муҳитга ўтказиладиган таъсирини баҳолаш бўлимини «Эко-Ван» экологик фирмаси ишлаб чиққан.

Лойиҳада метро йўналиши қурилиши ҳамда унинг эксплуатацияси атроф-муҳитга қай даражада зарарли таъсир кўрсатиши тахминий маълумотлар асосида белгилаб берилган. Лойиҳачилар томонидан метро қурилиши ишларини бажариш вақтида сув ресурсларига, тупроқ, ўсимлик қатламга салбий таъсирини бартараф этиш мақсадида тавсиялар, тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Қўмита томонидан ўтказилган экологик экспертиза натижалари лойиҳа юқори савияда ишлаб чиқилганлигини қайд этди ва унга ижобий ҳулоса берилди.

**Шукур ҲИДОЯТОВ,**  
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси экология экспертизаси бўлими бошлиғи.

## Мулоҳаза КЎП НАРСА ЛОЙИҲАГА БОҒЛИҚ

нов ва лаборатория таҳлиллари асосида олиб борилган текширув оқва сувларда нефть қолдиқлари меъридан бир неча марта ортиқ эканлиги аниқланди. Бу эса канал сувларининг янада ифлосланишига сабаб бўлади. Ҳозир лойиҳачилар қорхонадан чиқётган оқва сувни нефть қолдиқларидан тозалаш масаласи устида янги қурилма лойиҳасини яратиш ҳусусида бош қотиришпти.

Шаҳримизда экологик тоза ҳисобланган электр транспортдан фойдаланишни ривожлантиришга қаратилган бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

## Мушоҳада

# БАРЧАНИНГ ИШИ

Табиатни муҳофаза қилиш ҳозирги кунда давлат аҳамиятига молик умумхалқ ишга айланиб бормоқда. 1996 йилнинг 27 декабрида мажлаасида «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилинганлиги бунга ёрқин мисол бўла олади. Албатта ҳозирги даврда ижтимоий тараққиётни техника воситаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Техникадан унумли фойдаланишмай туриб ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида самарали ютуқларга эришиш қийин. Лекин ҳаётда баъзан қарама-қаршилик ҳам бўлиб туради. Юқорида биз тилга олган техникалар ишлаш жараёнида озми-кўпми миқдорда очиқ ҳавога турли хилдаги газ ва тўғунлар чиқаришини ҳисобга оладиган бўлсақ ўз-ўзимиздан ўйланиб қоламиз. Чунки атмосфера ҳавосининг заҳарланиши, ернинг азон қатламидаги ўзгаришлар табиатда экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келади. Кўриниб турибдики, бугунги техника тараққиёти авж олган бир даврда улардан қулай ва хавфсиз, илоҳий борича табиатга зарар етказмаслик йўли билан фойдаланишимиз лозим бўлади.

Аслида ҳам атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш инсоният олдидати энг муҳим муаммоларнинг бири бўлиб турганлигини ҳаётий тажрибалар тўла исботлаб турибди. Мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилиш, атмосфера ҳавосини тозалигини сақлаш биз юқорида тилга олган умумдавлат ишга айланганлигининг босиси ҳам ана шунда. Бу йўлда республика табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, жойлардаги тармоқлар, соғлиқни сақлаш, ўрмон ҳўжалиги, ички ишлар, санитария-эпидемиология хизматлари, прокуратура ва бир қатор маҳкамалар, институтлар жонбоқлик кўрсатишмоқда. Бу соҳада қатор меъсирли ҳўжатлар мавжуд бўлиб, улар давлат томонидан белгилан-

ган қонунлар асосида тўлиқ ҳимоланади.

Ҳар йили икки марта давлат автотомобиль назоратчилари билан Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси назоратчилари ҳамкорлигида «Тоза ҳаво» тадбирининг ўтказиб келинишидан қўзланган мақсад ҳам атроф-муҳитни ортиқча заҳарли моддалардан ҳимоя қилишга қаратилганлиги. Бундан ташқари апрель, май, сентябрь ва октябрь ойларида шаҳар автотранспорт қорхоналарида, ёнлиги мойлаш материаллари, ёнлиги қуйиш шохобчалари, автотомобилга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш қорхоналари ҳамда шахсий ва давлат ҳисобиди автотомобиллар қўриқдан ўтказилиб уларнинг ҳолати бўйича чора-тадбирлар белгиланади. Ҳуусан шу йилнинг 10 сентябрдан 10 октябрга қадар шаҳарда навбатдаги «Тоза ҳаво» тадбири ўтказилди. Бунда ўрта ҳисобда бир кунда 477 та автомашина текширилиб, уларнинг 34 тасидан ортиқча заҳарли газлар ҳавога чиқарилиши аниқланди.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари томонидан қатор автотомобиллар текширилганда бу борада бир қанча камчиликлар кўзга ташланди. Эски автотомобилнинг 25 фоизиди атмосферага белгиланган газ миқдоридан ортиқча заҳарли моддалар чиқаришга олиб келинади. Айтиш керакки, табиатни муҳофаза қилиш ҳўлатини Тошкент шаҳрига бошқа ҳудудлардан кириб келаётган автотранспортларга қўйлаб учратиш мумкин.

Ҳулоса қилиб айтганда, табиатни муҳофаза қилиш умумхалқ иши. Шундай экан, ҳар бир шахс ўз масъулиятини сезган ҳолда иш юритса, шахримиз ҳавосини ифлосланишининг озми-кўпми даражада олдини олиш мумкин.

**Муяссар ЮСУПОВА,**  
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси назоратчиси.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси назоратчилари атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, сув манбалари озодлиги бўйича бир қатор текширувлар ўтказдилар. Қузатув давомида бир қанча қоидабузарликларга дўч келинди.

• «Ипакйўли» автотранс қорхонасининг техника таъмирлаш участкаси бошлиғи А. Исаев сув исрофгарчилигига йўл қўйганига учун назоратчилар томонидан 4900 сўм жаримага тортилди.

• Сувдан фойдаланиш қоидаларини бузган 18-автотомобилнинг ҳўжалик мудири Р. Ҳажимов ҳам жаримадан четда қолмади. У қоидабузарлиги учун 2450 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

• «Тошкент чини заводи» акциядорлик жамияти бош энергетиги И. Икромов эса ўз вақтида люминисцент лампаларни утиллантириш чора-тадбирлар

## Текширувлар ЖАРИМА ТўЛАШДАН ЧАРЧАМАГАНЛАР

рини кўрмаганлиги учун 3000 сўм жарима тўлади.

• «Тошқашқоқ» хиссадорлик жамиятининг бош энергетиги Р. Фаизиев ҳам 7350 сўм миқдорда жаримага тортилди. Унга қорхонада ифлослантирувчи моддаларни атмосферага рухсатсиз чиқариб ташлаганлиги учун шундай жаза берилди.

• Давлат экологик экспертизасининг ижобий ҳулосасини иш юритган «Гулхан» хиссадорлик жамияти директори вазифини бажарувчи Р. Шаймурзин қилмиши 4900 сўм жарима тўлаш билан баҳоланди.

• 1-трамвай депосининг мазут сақланган қорхонасида белгиланмаган ерга мой маҳсулотлари тўкилиши кузатилган. Бунинг учун ишлаб чиқариш бошлиғи А. Хванга 7350 сўм жарима солинди.

• Ер ости бойлиқларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш талабларини бузганлиги сабабли «Шаҳарйўлқурилиш» таъмир-га қарашли техник хизмат кўрсатиш қорхонаси бошлиғи ўринбосарига ҳам 6000 сўм жарима солинди.

• Тошмуҳандислик қўрилиш-га қарашли 6-механизациялашган бошқарма ҳудудиди саноят чинкидиларини ташини ва люминисцент лампаларини утиллантириш чора-тадбирлари қўрилмаганлиги учун бошлиқ ўринбосари А. Ортиқов 5000 сўм жарима тўлади. Шунингдек, 3-қисмга бошлиғи Г. Глишков ҳам эътиборсизлиги учун 7350 сўм жарима тўлашга мажбур бўлишди.

• Сувдан фойдаланиш қоидаларини бузган «Танкер» қўша қорхонаси ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Ю. Сикитовнинг қилмиши 7350 сўм жарима билан якунланди.

• Тошкент автомобиль йўллари институти бош энергетиги ишдан чиққан люминисцент лампаларни утиллантириш чора-тадбирларини кўрмаган. Шунингдек, автотомобил бош муҳандиси мой маҳсулотларини белгиланмаган жойларга тўкилишига йўл қўйган. Натижада улар ҳам 7350 сўм жарима тўлашга мажбур бўлишди.

• 130-ёнилик қуши шохобчаси бош оператори А. Мирвалдиев эса атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаганлиги учун 7350 сўм жаримага тортилди.



## ХАНДАЛАР

Қўшни киши дўстидан қарзга пул сўраб чиқибди. Уй эгаси унга дебди: — Қўнжон, эшоним билан берардимми аммо уйда бир тийин ҳам қолмади.

Отаси гапириб бўлса, прага кичкинтой суқилибди.

— Адажон, унутдингизми? Шкафдази бурунсиз чойнакда нушимиз кўпму!

— Ах, шайтон бола! Ҳама нарсаи билди. Ростдан ҳам унутибманму!

Отаси ишдан қайтган, қўшининг бошидан сийлаб, ҳолаҳвал сўрабди.

— Бузун нима ишларни қотирдинг, қўзим? Кўчада уйнашга вақтинг бўлдими?

— Йўқ, ҳеч қайсқа чиқмадим. Ойишга ёрдам бердим.

— Ойишга нима ёрдам бердинг?

— Уқутувчимиз ҳисоб дарсидан берган масалаларни ечишга ёрдамлашдим...

Бахриддин ТУРҲУНОВ.

## Хоҳ ишонинг, хоҳ...

# ОТ МИНГАН ЖИН

ёки бўлган воқеа

Дунё сир-синаотлардан иборат. Унинг шундай мўъжизалари борки, кишининг ақли бовар қилмайди. Ана шунинг учун ҳам ҳаёт гўзал. Яшаган сайин яшагинг келаверади. Болалигимда жинлар тўғрисида кўп эшитар эдим. Билмадим ёшлигим сабабими бу узун-қулоқ гапларга етарли эътибор бермаган эканман. Мана энди ишона боламан.

Энамнинг айтишларича, бобом отларга жуда иштиқоб бўлиб, у кишининг каттагина ери ва бир қанча наслдор отлари мавжуд экан. Қўнларнинг бирида уйдан уйдан бобом отини хансираб нафас олаётган ҳолда қўриб ахабланади. Гўёки отда кимдир чоған-у ҳозиргина боғлаб қўйгандек. Бу ҳолат бир неча бор такрорланганидан кейин, бобом отни туни билан қузатишга қарор қилади. Тун ярмидан оғган пайтда, аллақандай сочлари тўзган махлук отни миниб қаергадир қоптириб кетади. Отдан анча вақт ўтиб, отни яна жойига келтириб қўяди.

Бобом фурсат пайлаб унинг сочидан ушлаб олади. Чунки у махлукнинг жин эканлигини билган, уни фақат сочидан ушлаб қўлга тушириш мумкинлигини аллақимлардан эшитган экан.

— Қўлга тушган жин: «Мени қўйиб юбор, етти авлоднинг зарар етказмайман», деб ёлворади. Шу воқеадан кейин тўрт авлод дунёга келди. Энамнинг айтишича, етти авлод ўтувча жиннинг умри тугар экан.

Айни йўғим-терим кўнларининг бирида энам қўшни аёл билан биргаликда далага

чиқишди. Тушгача пахта теришиб, тушлик учун дала четига келишди. Шунда аёлларнинг бири энамга қараб: «Бикажон, қарагин, Екутхон далага чиқмайман, деган эди, энди соч тараб ўтиганини кўрмайсанми?» деб мурожаат этади. Энамнинг кўзи қўлларига икита тароқ олиб, сочини ҳар томонга барабар тараётган бир аёлга тушган, ажабланиб ва унинг «жин» эканлигини пайқаб, тезда қочиб қолишади. Екутхон отанинг уйига келишиб, унинг бугун далага чиқганини билишгач, бунга янада ишонч ҳосил қилишади. Бу энамнинг ҳикоялари.

Бу воқеалар бўлганими-бўлмаганими, буниси менга қоронғу. Лекин мен ўлгайиб борганим сайин дунёнинг ажойиботларга тўла эканлигини аниқлаб бораёман.

Бугунги кун кишии ана шу ажиб дунёнинг келажиги олдиди масъул эканлигини, уни авлодлар учун асраб қолиш лозимлигини унутмаслиги керак.


**Феруза ЭҒАМОВА,**  
Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабаси.

«Тошкент оқшомининг навбатдаги сони 3 ноябрда чиқади.

## «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонларни, шунингдек таълиқларни, таваалуд қўнларни, тўйлар, юбилейлар муносабати билан кўтвозларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.  
**Маълумотлар учун теленон:**  
133-28-95.  
**Факс:** (3712) 133-29-09.  
**МАНЗИЛИМИЗ:**  
МАТБУОТЧИЛАР КўЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.



Улкамизда савоатли куз ўз селини ёзган кезларда мафтункор покатимизнинг ушбу суратда таъбирлангани сингари гузал манзаралари киши қалбига олам-олам завқ бағишлайди.

Сергей Любич олган сурат.

**Мақолаларни Максуд ҚОБИЛОВ тайёрлади.**

**Бош муҳаррир**  
Акmal АҚРОМОВ

Манзилимиз:  
700000, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 132-11-39.  
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кўнлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табақ офсет усулида босилади.  
Қозғ бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамоти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.  
Корхона манзили:  
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.